Qabul qilindi: 23-noyabr 2026-yil • Ma’qullandi: 25-noyabr 2026-yil • Nashr qilindi: 27-noyabr 2026-yil

Ҳорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодий ривожланишига таъсири

Ибрагимов Ғ.Ғ.
иқтисодиёт фанлари доктори (DSc), доцент
Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Инновацион менежмент кафедраси
ORCID: 0009-0008-7188-2609
Аманова С.Ш.
Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Сиртқи таълим факультети, Корпоратив бошқарув йўналиши, МКБ-75/23 гуруҳ талабаси ORCID:0009-0000-0273-6861
E-mail: sarvinoz1486@mail.ru

Аннотация. Мақолада ҳорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодий ривожланишига таъсири назарий ва амалий жиҳатдан ёритилган. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг иқтисодий ўсиш, бандлик, технология трансфери ва экспорт салоҳияти билан боғлиқлиги 2016–2026 йилларда чоп этилган халқаро тадқиқотлар ва ҳисоботлар асосида таҳлил қилинган. Ўзбекистон мисолида ҳорижий капитал оқимининг динамикаси, таркиби ва мавжуд институционал муаммолар кўрсатиб берилган, инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: ҳорижий инвестиция, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, иқтисодий ўсиш, технология трансфери, инвестиция муҳити, бандлик, экспорт.

Аннотация. В статье рассмотрено влияние иностранных инвестиций на экономическое развитие страны. На основе международных исследований и отчётов за 2016–2026 годы проанализирована взаимосвязь прямых иностранных инвестиций с экономическим ростом, занятостью, трансфером технологий и экспортным потенциалом. На примере Узбекистана показаны динамика и структура притока

иностранного капитала, предложены направления улучшения инвестиционного климата.

Ключевые слова: иностранные инвестиции, прямые иностранные инвестиции, экономический рост, трансфер технологий, инвестиционный климат.

Abstract. The article examines the impact of foreign investment on a country's economic development. Drawing on international studies and reports published in 2016–2026, it analyzes the relationship between foreign direct investment (FDI) and economic growth, employment, technology transfer and export capacity. Using Uzbekistan as a case, it shows the dynamics and structure of FDI inflows and proposes measures to improve the investment climate.

Keywords: foreign investment, foreign direct investment, economic growth, technology transfer, investment climate, employment, exports.

Кириш

Глобаллашув шароитида ҳеч бир мамлакат фақат ички жамғармалар ҳисобига барқарор иқтисодий ўсишга эриша олмайди. Ички капиталнинг етишмаслиги, замонавий технологияларга эҳтиёж ва халқаро бозорларга чиқиш зарурати давлатларни ҳорижий инвестицияларни жалб этишга ундайди. Шу боис ҳорижий инвестициялар ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатлар учун иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили ҳисобланади (Alfaro, 2017).

Сўнгги йилларда жаҳон инвестиция муҳити ўзгарувчан бўлиб қолмоқда. БМТнинг Савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси (UNCTAD) маълумотларига кўра, 2024 йилда жаҳон бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) оқими 11 фоизга камайиб, 1,5 трлн АҚШ долларини ташкил этган (UNCTAD, 2025). 2025 йилда эса бу кўрсаткич 6 фоизга ўсиб, тахминан 1,6 трлн долларга етгани, аммо тикланиш нотекис ва нозик бўлиб қолаётгани қайд этилган (The Astana Times, 2026). Бундай шароитда ҳорижий капиталга бўлган рақобат кучаймоқда.

Ўзбекистонда 2017 йилдан бошлаб амалга оширилаётган ислоҳотлар, валюта сиёсатининг либераллаштирилиши ва инвестиция қонунчилигининг янгиланиши ҳорижий инвестицияларни жалб этишга шароит яратди (OECD, 2025; Ўзбекистон

Республикаси Президенти, 2022). Шу сабабли ҳорижий инвестицияларнинг иқтисодиётга таъсирини, унинг ижобий ва салбий оқибатларини ўрганиш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг мақсади — ҳорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодий ривожланишига таъсир механизмларини аниқлаш ва Ўзбекистон шароитида улардан самарали фойдаланиш йўлларини асослашдир. Мақолада фақат сўнгги ўн йилда нашр этилган манбалардан фойдаланилди.

Адабиётлар таҳлили

Ҳорижий инвестицияларнинг иқтисодий ўсишдаги ўрни бўйича замонавий тадқиқотлар натижаси бир хил эмас. Alfaro (2017) макро ва микро даражадаги тадқиқотларни умумлаштириб, ТТХИ фойдаси автоматик юзага келмаслигини, у қабул қилувчи мамлакатнинг ўзлаштириш салоҳияти — инсон капитали, молия тизими ва институтлар сифатига боғлиқ эканини кўрсатган. Демак, инвестициялар ҳажмининг ўзи эмас, уларнинг иқтисодиётга интеграциялашув даражаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Alfaro ва Chen (2018) кўп миллатли компаниялар фаолияти икки йўл билан унумдорликни оширишини кўрсатган: биринчидан, самарасиз маҳаллий корхоналар бозордан сиқиб чиқарилади, иккинчидан, ресурслар самаралироқ корхоналар ўртасида қайта тақсимланади. Бу ҳорижий капитал таъсири фақат янги корхоналар қуриш билан чекланмай, бутун тармоқ тузилмасини ўзгартиришини англатади.

Жаҳон банки (World Bank, 2020) таҳлилида глобал қиймат занжирларида (ГҚЗ) иштирок этиш иқтисодий ўсиш, бандлик ва даромадлар ўсишига хизмат қилиши таъкидланган. ТТХИ ана шу занжирларга кириш воситаси бўлгани сабабли, экспорт салоҳияти ва технологик даражани оширишда муҳим рол ўйнайди. OECD (2022) эса инвестициялар миқдоридан ташқари уларнинг сифатига — бандлик, инновация, экология ва мамлакат қиймат занжирларидаги ўрнига таъсирига — эътибор қаратишни тавсия этади.

Шундай қилиб, адабиётларда учта асосий хулоса мавжуд: биринчидан, ТТХИ самараси қабул қилувчи мамлакатнинг институционал ва инсон капитали

шароитларига боғлиқ; иккинчидан, ҳорижий капитал рақобат ва ресурсларни қайта тақсимлаш орқали тармоқ даражасидаги унумдорликка таъсир қилади; учинчидан, инвестицияларнинг сифати ҳажми каби муҳимдир. Мақоланинг кейинги қисмларида ушбу хулосалар Ўзбекистон мисолида текширилади.

Ўзбекистонга оид сўнгги тадқиқотларда ҳорижий капитал оқими ошаётгани, аммо унинг тармоқ ва манба бўйича диверсификацияси етарли эмаслиги қайд этилади (OECD, 2025). Бу мақолада ушбу хулосалар ҳорижий инвестицияларнинг таъсир каналлари ва институционал шартлари нуқтаи назаридан кўриб чиқилади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда иқтисодий таҳлил, қиёсий таҳлил, мантиқий умумлаштириш, статистик маълумотларни гуруҳлаш ва тизимли ёндашув усулларидан фойдаланилди. Ахборот базасини UNCTAD Жаҳон инвестиция ҳисоботлари (2024, 2025), OECD Ўзбекистон бўйича йўл харитаси (2025), Жаҳон банки ҳисоботи (2020), халқаро илмий журналлардаги мақолалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси расмий ҳужжатлари ташкил этди. Ҳар бир хулоса матн ичида APA 7-нашр талабларига мувофиқ манбага ҳавола билан келтирилган. Турли нашрларда рақамлар қайта ҳисобланиши мумкинлиги сабабли, динамика таҳлилида ҳар бир кўрсаткич учун манба нашри алоҳида кўрсатилди.

Таҳлил ва натижалар

Ҳорижий инвестицияларнинг таъсири бир неча канал орқали амалга ошади: капитал жамғарилиши, унумдорликнинг ошиши, технология трансфери, бандлик ва экспорт салоҳияти. Ушбу каналларнинг ҳар бири қабул қилувчи мамлакатнинг институционал муҳити ва маҳаллий корхоналарнинг имкониятларига боғлиқ ҳолда турлича самара беради (2-жадвал).

1. Ҳорижий инвестицияларнинг турлари

Ҳорижий инвестициялар асосан тўғридан-тўғри (ТТХИ), портфель ва бошқа инвестицияларга бўлинади. ТТХИ корхона бошқарувида иштирок этиш ва узоқ муддатли манфаатдорлик билан боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқариш қувватларини яратади. Портфель инвестициялари қимматли қоғозларга киритилади ва қисқа муддатда

капитал ҳаракатининг ўзгарувчанлигини оширади. ТТХИ ўз кўринишига кўра янги корхона қуриш (greenfield) ёки мавжуд корхонани сотиб олиш шаклида бўлади; Ўзбекистонда асосан greenfield лойиҳалар устунлик қилади (OECD, 2025). Иқтисодий ривожланиш нуқтаи назаридан ТТХИ барқарорроқ ҳисобланади, чунки уларни қисқа вақтда чиқариб кетиш қийин.

2. Иқтисодий ўсишга таъсири

Ҳорижий капитал ички жамғармалар етишмовчилигини тўлдиради, асосий капиталга киритмалар ҳажмини оширади ва ялпи ички маҳсулот ўсишига хизмат қилади. Бироқ бу таъсир қабул қилувчи мамлакатнинг шароитига боғлиқ (Alfaro, 2017). Ўзбекистонда 2000–2023 йилларда ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиши 6,4 фоизни ташкил этган (OECD, 2025), аммо ТТХИнинг асосий капиталга инвестициялардаги улуши нисбатан кичик: 2019–2023 йилларда ТТХИ оқими ЯИМга нисбатан ўртача 2,8 фоизни ташкил этган (OECD, 2025). Бу ҳорижий капиталнинг ўсишдаги ҳиссасини ошириш имконияти мавжудлигини кўрсатади.

2-жадвал. Ҳорижий инвестицияларнинг таъсир каналлари ва самара шартлари

Канал	Таъсир механизми	Самара шарти
Капитал	Ички жамғармалар етишмовчилигини тўлдириш, асосий капиталга киритмалар ошиши	Инвестицияларнинг юқори қўшилган қиймат яратувчи тармоқларга йўналиши (OECD, 2022)
Унумдорлик	Ресурсларнинг самаралироқ корхоналарга қайта тақсимланиши	Рақобат муҳити ва тенг шароитлар (Alfaro & Chen, 2018)
Технология	Янги технологиялар ва бошқарув тажрибаси трансфери	Маҳаллий ўзлаштириш салоҳияти, инсон капитали (Alfaro, 2017)
Экспорт	Глобал қиймат занжирларига чиқиш, янги бозорлар	Савдо ва инвестиция сиёсатининг мувофиқлиги (World Bank, 2020; OECD, 2025)

Манба: муаллифлар томонидан кўрсатилган манбалар асосида тузилган.

3. Бандлик ва унумдорликка таъсири

Янги ишлаб чиқариш қувватларининг яратилиши иш ўринларини кўпайтиради, ишчиларнинг малакаси ошади. Шу билан бирга, ҳорижий компанияларнинг маҳаллий

етказиб берувчилар билан алоқалари кичик ва ўрта бизнес ривожига кўмаклашади. Alfaro ва Chen (2018) кўрсатганидек, кўп миллатли компаниялар ишлаб чиқаришга кириши билан ресурслар унумдорроқ корхоналарга қайта тақсимланади ва тармоқ даражасидаги унумдорлик ошади. OECD (2025) эса, Ўзбекистонда норасмий секторнинг, айниқса кичик ва ўрта бизнесда, юқорилиги инвестициялардан олинадиган самарани пасайтириши мумкинлигини қайд этган.

4. Технология ва бошқарув тажрибаси трансфери

Ҳорижий инвесторлар замонавий технологиялар, менежмент ва маркетинг усулларини олиб келади. Бунинг натижасида маҳаллий корхоналарнинг рақобатбардошлиги ошади ва «таркалиш самараси» (spillover effect) юзага келади. Лекин бу самара автоматик эмас: маҳаллий корхоналарнинг ўзлаштириш салоҳияти ва ҳорижий компаниялар билан кооперация даражаси паст бўлса, технологиялар анклав доирасида қолиб кетади (Alfaro, 2017). Шу боис таълим, касб-ҳунар тайёрлаш ва инновацион инфратузилма ТТХИ самарасининг муҳим шартларидан ҳисобланади.

5. Экспорт салоҳияти ва қиймат занжирларига интеграция

Экспортга йўналтирилган тармоқларга киритилган инвестициялар маҳсулот сифатини халқаро талабларга мослаштиради, янги бозорларга чиқиш имконини беради. Жаҳон банки (World Bank, 2020) маълумотларига асосланган хулосага кўра, ГҚЗда иштирок этиш иқтисодий ўсиш ва бандликка ижобий таъсир кўрсатади. OECD (2025) Ўзбекистонда савдо ва инвестиция сиёсатини яқинроқ мувофиқлаштириш кичик ва ўрта бизнесни глобал қиймат занжирларига интеграциялашга ва экспортни диверсификациялашга ёрдам беришини таъкидлайди.

6. Ўзбекистонда ҳорижий инвестициялар динамикаси

UNCTAD маълумотларига кўра, Ўзбекистонга ТТХИ оқими 2022 йилда 2,49 млрд, 2023 йилда 2,18 млрд долларни ташкил этган (UNCTAD, 2024). 2024 йилда у 2,8 млрд долларга етиб, Ўзбекистон 30 йилдан кўпроқ вақт ичида биринчи марта Марказий Осиёда ТТХИ бўйича Қозоғистондан ўзиб кетган (Daryo, 2025; UNCTAD, 2025). 2025 йилда мамлакатга 4,4 млрд долларга яқин ТТХИ кирган, шу билан Марказий Осиё минтақасида инвестиция тикланишининг асосий драйвери бўлган

(The Astana Times, 2026). Давлат маълумотларига кўра, 2025 йилда ўзлаштирилган ҳорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий ҳажми 43,1 млрд долларга етган, бу 2024 йилдаги 31,9 млрд ва 2023 йилдаги 19,5 млрд доллардан анча юқоридир (Aris, 2026; Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, 2026).

1-жадвал. Ўзбекистонга ТТХИ оқими (млрд АҚШ доллари)

Йил	ТТХИ оқими, млрд долл.	Манба
2022	2,49	UNCTAD (2024)
2023	2,18	UNCTAD (2024)
2024	2,8	UNCTAD (2025); Daryo (2025)
2025	тахминан 4,4	The Astana Times (2026) (UNCTAD ҳисоботига таяниб)

Изоҳ: турли нашрларда рақамлар қайта ҳисобланиши мумкин; масалан, OECD (2025) 2023 йил учун 2,2 млрд долларни келтиради.

Динамикадаги ижобий ўсишга қарамай, структура масаласи долзарблигича қолмоқда. OECD (2025) таҳлилига кўра, Ўзбекистонда ТТХИ сектор ва манба давлатлар бўйича етарли даражада диверсификацияланмаган, асосан саноат ишлаб чиқариши, энергетика ва қазиб олиш тармоқларида тўпланган. Шу билан бирга, UNCTAD (2026) ва уни ёритган манбаларга кўра (The Astana Times, 2026), Ўзбекистон ТТХИ жамланма захираси 2024 йилдаги 20,5 млрд доллардан 2025 йилда 26 млрд долларга ошган.

7. Эҳтимолий салбий оқибатлар ва институционал муаммолар

Ҳорижий инвестициялар ҳар доим ҳам фақат ижобий натижа бермайди. Фойдани хорижга чиқариб кетиш, инвестициялар таркибининг хомашё тармоқларига бир томонлама йўналиши, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг сиқиб чиқарилиши, экологик хавфлар ва ташқи капиталга қарамлик каби муаммолар юзага келиши мумкин (Alfaro, 2017; OECD, 2022). Ўзбекистон мисолида OECD (2025) қуйидаги муаммоларни алоҳида кўрсатган: давлат корхоналарининг ер, молиялаштириш ва имтиёзларга эгалик қилишдаги афзаллиги рақобатни бузиши мумкин; инвестиция қонунчилигида миллийлик ва инвестиция ҳажмига оид баъзи чеклов шартлари сақланиб қолган; моддий масалаларни тартибга солишда иккиламчи қонунчиликка

кучли таяниш; инвестицияларни жалб этиш агентлигининг (UzIPA) ваколатлари ва ресурсларини мустаҳкамлаш зарурати. Шунингдек, ислоҳотларни амалга оширишда идоралараро мувофиқлаштириш етарли эмаслиги қайд этилган.

8. Рақамли ва яшил ўтиш йўналишидаги инвестициялар

Сўнгги йилларда жаҳон инвестиция оқимининг муҳим қисми рақамли иқтисодиёт ва барқарор ривожланиш мақсадлари билан боғлиқ соҳаларга йўналмоқда (UNCTAD, 2025). UNCTAD ҳисоботига таяниб эълон қилинган маълумотларда 2025 йилда барқарор ривожланиш мақсадлари билан боғлиқ соҳаларга инвестициялар фаоллашгани ва Ўзбекистон бу борада ажралиб туриши қайд этилган (Kursiv Media, 2026). OECD (2025) Ўзбекистон учун ТТХИ стратегияси диверсификацияни қўллаб-қувватласа, барқарор ривожланишни ҳамда инклюзив яшил ва рақамли ўтишни кучайтириши мумкинлигини таъкидлайди ва инвестиция ҳамда рақамли соҳалар ўртасида, жумладан UzIPA ва IT Park ўртасида, мувофиқлаштиришни яхшилашни тавсия этади.



9. Давлат сиёсати воситалари ва ҳуқуқий база

Ўзбекистонда инвестиция муҳитини яхшилаш ислоҳотлари 2017 йилдан бошлаб изчил амалга оширилмоқда. Бу жараёнда валюта режимининг либераллаштирилиши, замонавий инвестиция қонунчилигининг қабул қилиниши, суд ислоҳотлари ва электрон ҳукуматнинг ривожланиши муҳим натижалар сифатида қайд этилган (OECD, 2025). Хусусан, 2019 йилдаги «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонун, шу йилги Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги Қонун ва 2020 йилги Махсус иқтисодий зоналар тўғрисидаги Қонун инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий асосини ташкил этади (OECD, 2025). «Тараққиёт стратегияси» ва «Ўзбекистон — 2030» стратегияси ислоҳотларнинг узоқ муддатли йўналишларини белгилайди (Ўзбекистон Республикаси Президенти, 2022, 2023). Шу билан бирга, OECD (2025) ислоҳотларни амалга оширишда муаммолар сақланиб қолаётганини, жумладан идоралар ўртасида мувофиқлаштириш ва давлат хизматчиларининг салоҳиятини ошириш зарурлигини кўрсатади.

10. Ҳорижий инвестициялар самарасини баҳолаш йўналишлари

Ҳорижий инвестицияларни фақат ҳажм бўйича эмас, сифат бўйича баҳолаш замонавий ёндашувга мос келади. OECD (2022) тавсияларига асосан инвестициялар сифатини унумдорлик, инновация, бандлик ва иш сифати, кўникмалар, гендер тенглиги ва углерод изи каби йўналишлар бўйича кузатиш мумкин. Ўзбекистон шароитида ТТХИ самарасини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичларни мониторинг қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз (муаллифлар таклифи): ТТХИнинг асосий капиталга инвестициялардаги улуши; ҳорижий иштирокдаги корхоналарда яратилган иш ўринлари ва уларнинг малака таркиби; маҳаллий етказиб берувчилардан харид улуши; экспорт ҳажми ва номенклатураси динамикаси; ҳудудлар кесимида инвестицияларнинг тақсимланиши. Бундай мониторинг тизими имтиёзлар самарадорлигини баҳолаш ва инвестиция сиёсатини аниқ мақсадларга йўналтириш имконини беради.



Муаммолар ва таклифлар

Таҳлил натижалари асосида қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

– инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, миллийлик ва инвестиция ҳажмига оид чекловларни босқичма-босқич бекор қилиш, инвестицияга оид асосий нормаларни иккиламчи қонунчиликдан қонун даражасига кўтариш (OECD, 2025);

– давлат корхоналарининг имтиёзли мавқеини бекор қилиб, барча инвесторлар учун тенг рақобат шароитини таъминлаш ва номуҳим давлат корхоналарини хусусийлаштиришни тезлаштириш (OECD, 2025);

– имтиёзларнинг самарадорлигини баҳолаш учун солиқ харажатлари ҳисоботларини мунтазам чоп этиш ва инвестицияларни юқори қўшилган қиймат яратувчи, рақамли ва «яшил» тармоқларга йўналтириш (OECD, 2022, 2025);

– инвестициялар жалб этиш агентлиги (UzIPA) ролини кучайтириш: инвесторлар билан ишлаш, сервис кўрсатиш (aftercare) ва сиёсий таклифларни ишлаб чиқиш функциялари учун ресурслар ажратиш (OECD, 2025);

– маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳорижий компаниялар билан кооперацияга жалб этиб, ишлаб чиқариш занжирига интеграциялашувини қўллаб-қувватлаш ва

экспорт диверсификациясини рағбатлантириш (World Bank, 2020);

– олий таълим ва касб-ҳунар таълими тизимини инвесторлар талабига мослаб, малакали кадрлар тайёрлашни кучайтириш ҳамда инвестициялар самарадорлигини мунтазам мониторинг қилиш индикаторларини жорий этиш (Alfaro, 2017; OECD, 2025);

– инвестицияларни ҳудудлар бўйича нотекис тақсимланишини камайтириш мақсадида ҳудудий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудий инвестиция дастурларини Ўзбекистон — 2030 стратегияси мақсадлари билан уйғунлаштириш (Ўзбекистон Республикаси Президенти, 2023).

Хулоса

Ҳорижий инвестициялар мамлакат иқтисодий ривожланишининг муҳим омили бўлиб, капитал, технология, бошқарув тажрибаси ва янги бозорларга йўл очиш орқали иқтисодий ўсишни тезлаштиради. Шу билан бирга, уларнинг самараси инвестиция муҳитининг сифати, институционал барқарорлик, инсон капитали ва молия бозорининг ривожланганлигига боғлиқ (Alfaro, 2017; Alfaro & Chen, 2018).

Ўзбекистонда ТТХИ оқимининг 2022–2025 йилларда ошиши ижобий тенденция бўлса-да, инвестицияларнинг тармоқ ва манба бўйича диверсификацияси, давлат корхоналарининг имтиёзли мавқеи, қонунчиликдаги чекловлар ва ҳудудий тенгсизлик каби масалалар ҳал этилмаган (OECD, 2025). Ҳорижий капиталдан самарали фойдаланишнинг асосий шарти — инвестицияларни юқори қўшилган қиймат яратувчи тармоқларга йўналтириш, тенг рақобат шароитини таъминлаш ва маҳаллий ишлаб чиқаришни глобал қиймат занжирларига интеграциялашдир.

Келгуси тадқиқотларда ҳудудлар ва тармоқлар кесимида ТТХИнинг бандлик, унумдорлик ва экспортга таъсирини миқдорий баҳолаш, шунингдек ҳорижий иштирокдаги корхоналар ва маҳаллий етказиб берувчилар ўртасидаги алоқаларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бу инвестиция сиёсатини аниқ маълумотларга таяниб такомиллаштиришга хизмат қилади (OECD, 2022).

Фойдаланилган адабиётлар

1. Alfaro, L. (2017). Gains from foreign direct investment: Macro and micro

approaches. World Bank Economic Review, 30(Supplement 1), S2–S15.

2. Alfaro, L., & Chen, M. X. (2018). Selection and market reallocation: Productivity gains from multinational production. American Economic Journal: Economic Policy, 10(2), 1–38.

3. Aris, B. (2026, June 17). Uzbekistan FDI on the rise. bne IntelliNews. https://www.intellinews.com/uzbekistan-fdi-on-the-rise-449132/

4. Daryo. (2025, June 23). Uzbekistan tops Central Asia in FDI for first time in 30 years with $2.8bn inflow. https://daryo.uz/en/2025/06/23/uzbekistan-tops-central-asia-in-fdi-for-first-time-in-30-years-with-28bn-inflow

5. Kursiv Media. (2026, July 10). Global FDI rises as Uzbekistan leads Central Asia in green energy investments. https://uz.kursiv.media/en/2026-07-10/global-fdi-rises-as-uzbekistan-leads-central-asia-in-green-energy-investments/

6. OECD. (2022). FDI Qualities Policy Toolkit. OECD Publishing.

7. OECD. (2025). Roadmap for sustainable investment policy reforms in Uzbekistan. OECD Publishing. https://www.oecd.org/en/publications/roadmap-for-sustainable-investment-policy-reforms-in-uzbekistan_20865f29-en.html

8. The Astana Times. (2026, July). Kazakhstan dominates Central Asia’s FDI stock as Uzbekistan gains ground. https://astanatimes.com/2026/07/kazakhstan-dominates-central-asias-fdi-stock-as-uzbekistan-gains-ground/

9. UNCTAD. (2024). World investment report 2024: Investment facilitation and digital government. United Nations.

10. UNCTAD. (2025). World investment report 2025: International investment in the digital economy. United Nations. https://unctad.org/publication/world-investment-report-2025

11. UNCTAD. (2026). World investment report 2026. United Nations. https://unctad.org/wir

12. World Bank. (2020). World development report 2020: Trading for development in the age of global value chains. World Bank.

13. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги. (2026, 7 январь). 2025 йилда

Ўзбекистонда ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 43,1 млрд долларга етди. https://gov.uz/en/miit/news/view/116876

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти. (2022, 28 январь). Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида (ПФ-60-сон Фармон).

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти. (2023, 11 сентябрь). «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида (ПФ-158-сон Фармон).

